



## ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> May 2023

Online: 16<sup>th</sup> May 2023

## KEY WORDS

“Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли”, “Smart маҳалла”, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

## “SMART МАҲАЛЛА” АХБОРОТ ТИЗИМИ ҲУДУДДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ КАФОЛАТИ

Анваров Баҳодир Бахтиёрвич

ИИБ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик

йўналиши тингловчиси, подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7941240>

## ABSTRACT

Мақолада “smart маҳалла” ахборот тизими ҳудуддаги жиноятларни олдини олиш борасида мулоҳазалар ҳамда хорижий давлатлар (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ўрганилиб муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади. Мамлакатимизда барча соҳалар фаолиятини ҳозирги кун талабларига мослаштириш ва хориж тажрибаларидан



самарали фойдаланиш мақсадида ахборот-таҳлил фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги

вазифаларни қўймоқда<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларни самарали бажариш биринчи навбатда ички ишлар органлари бошқарув тизимида ва ходимлар меҳнатини ташкил этиш билан боғлиқ барча хато ва камчиликларни, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони // Lex.uz.

<sup>2</sup> Тўраев Д. Р. Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштиришнинг аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 337-345.

Ахборот-таҳлил фаолиятининг услублари деганда, ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишда кам куч сарфлаб кўпроқ натижага эришишнинг йўллари тушунилади. Энди содир этилган жиноятларнинг аниқ таҳлили ҳақида фикр юритадиган бўлса, **фирибгарлик жинояти** Тошкент шаҳри (1 921/8 301), Тошкент (905/1 748), Самарқанд (789/1 271), Сирдарё (163/526), Жиззах (197/404), Бухоро (779/1 193), Навоий (281/483), Фарғона (2 274/5 320), Андижон (615/1 077), Наманган (655/1 167), Сурхондарё (463/1 010), Қашқадарё (525/905) ва Қорақалпоғистонда (331/525) ўсганлиги ҳисобига республикада 133,9 фоизга (10 496/24 554) ошган.

**Фирибгарлик жинояти энг кўп** Фарғона шаҳрида 1 454 та, Юнусободда 1 172 та, Чилонзорда 1 122 та, Мирободда 1 081 та, Шайхонтохурда 763 та, Қўқон шаҳрида 725 та, Олмазорда 675 тадан, м.Улуғбекда 661 та, Яшнободда 631 та ва Яккасаройда 605 та содир этилган.

Ўғрилиқ жинояти Тошкент шаҳри (966/6 538), Тошкент (837/1 764), Самарқанд (429/749), Сирдарё (267/442), Жиззах (178/220), Бухоро (453/843), Навоий (228/323), Фарғона (2 251/5 041), Андижон (477/687), Наманган (613/999), Сурхондарё (386/657), Қашқадарё (419/586), Хоразм (374/425) вилоятлари ва Қорақалпоғистонда (260/411) ошганлиги сабабли республикада 141,7 фоизга (8 164/ 19 732) ўсган.

**Ўғрилиқ жинояти энг кўп** Фарғона шаҳрида 1 658 та, Чилонзорда 1 096 та, Қўқон шаҳрида 1 033 та, Юнусободда 990 та, м.Улуғбекда 634 та, Яшнободда 519 та Шайхонтохур 511 та, Янгихаётда 510 та, Учтепада 469 та, Бектемир туманида 419 та содир этилган<sup>3</sup>

Ушбу жиноятларнинг ошиб боришини асосий сабаби сифатида фуқароларимизни ишонувчанлиги ва жиноятни олдидини олишга қаратилган профилактик чора тадбирларни мавжуд эмаслиги бўлиши мумкин.

Хорижий давлатлар (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Қўшнилар назорати



(neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes toppers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури (Crimeprevention throughen vironment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)”

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисига 2021 йил якуни бўйича 2022 йил 19 март кундаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги АХБОРОТИдан. <http://uza.uz/posts/356818>.

каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин<sup>4</sup>.

Ушбу давлатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилиниб, Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи “Smart маҳалла” ахборот дастури ишлаб чиқилганлиги<sup>5</sup> маълум қилинди.

2021 йил ўзидаёқ Тошкент ва Самарқанд вилоятларида, сўнгра республиканинг бошқа ҳудудларида ишга туширилди. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан “профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат” қилиб бориш амалиётини жорий этилди.

Бу бизга қандай жиноятларни олдини олишда қандай таянч бўла олади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан**, “Smart маҳалла” ахборот дастури орқали содир этилиши мумкин бўлган ва ҳудуд методикасидан келиб чиқиб қандай жиноятлар кўп содир этилишини инобатга олиб ушбу жиноятлардан ҳимояланиш борасида огоҳлантириш юбориш имкониятини беради;

**Иккинчидан**, Қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар” менюсида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қидирув эълон қилинган ва бедарак йўқолган деб топилган шахслар ҳақидаги сўнгги маълумотларни кўриш имконини беради.

Шу ўринда амалиётдаги муаммо бўлган диний мазмундаги тақиқланган материаллар ва диний адоватни тарғиб этувчи шахсларни маърузаларини рўйхатини



<sup>4</sup> Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5344118>. (Мурожаат вақти: 16.05.2023 й.).



хам диний адавотни тарғиб этувчи шахслар ҳақида маълумот киритиш зарур. Зеро фуқароларимиз ушбу шахсларнинг алдовига кўр-кўрона алдашмасин

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони // Lex.uz.
2. Тўраев Д. Р. Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштиришнинг аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 337-345.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисига 2021 йил якуни бўйича 2022 йил 19 март кундаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги АХБОРОТИдан. <http://uza.uz/posts/356818>.
4. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5344118>. (Мурожаат вақти: 16.05.2023 й.).